

ҚАДДИ ДОЛ ХҲЖАЛИК

ҚИШЛОҚДА ЯШАШНИНГ ЙЎЛИ



(1-4-саҳифаларда)

ЎРТАЧЎЛЛИКЛАРНИ ҚИНАЁТТАН МУАММО

(1-2-саҳифаларда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб

уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компенсация пул тўловларини жорий этиш тўғрисида

Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий эркинлаштириш шариоатида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ йўналтирилишини кучайтириш мақсадида:

1. 2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича қонунчилик асосида бериладиган имтиёзлар ўрнига энг кам иш ҳақи ҳисобидан табақалаштирилган миқдорларда ойлик компенсация пул тўловлари жорий этилсин.

2. Уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларининг суммаси меҳнат ҳақи фондида қўшилиш ҳамда иш ҳақи (пенсиялар) тўланадиган мuddатларда тўлашни белгилаб қўйилсин.

3. Республика Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ушбу Фармонга мувофиқ уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловларини жорий этиш билан боғлиқ сарф-харажатларни молиялаш манбаи этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда бир ҳафта мuddатда уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация пул тўловлари механизми тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш, белгиланган тартибда тасдиқлансин.

5. 2003 йилнинг 1 апрелидан бошлаб

қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизмат курсатиш соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида» 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832-сон Фармонининг 6-банди ва 3-илоvasи;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ядро полигонларида ва бошқа ядровий-радиация объектларида харбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тўғрисида» 2002 йил 30 майдаги ПФ-3079-сон Фармонининг 1-бандининг учинчи хатбоши ва 4-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой мuddатда:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда бошқа тегишли идоралар билан биргаликда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

вазирликлар ва идораларнинг меъёрий ҳужжатлари мазкур Фармонга мувофиқ ҳолга келтирилишини таъминласин.

7. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2003 йил 27 март

«ТАШАББУС-2003» - ФОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ



Эрта тонгдан «Ўзқўрғазмасавдо» кўرғазма зали эшиклари қарнай ва сурнай садолари остида очилди. Бу ерда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Энг яхши тадбиркор», «Энг яхши фермер», «Энг яхши хунарманд» йўналишлари бўйича «Ташаббус-2003» танловининг якуновчи республика босқичи бошланди. Тадбир аввалда танлов иштирокчилари махсулотларининг кўрғазмаси намойиш этилди. Тадбирни очар экан, Ўзбекистон Товар ишлаб чи-

карувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси М.Собиров Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётганини таъкидлади. «Ташаббус-2003» танловининг ўтказилиши бу йўлдаги амалий кадамлардан биридир. Бу танлов энг яхши тадбиркорларни аниқлаш, тадбиркорлик фаолиятини тарғиб қилиш, экспортбop махсулот ишлаб чиқаришни кенгайтиришга қўмаклашишга қаратилган. Жорий йилнинг феврал



дир, унда қатнашчилар ва улар ишлаб чиқараётган махсулот ва кўрсатаётган хизматлар ҳақида тўлиқ ахборот берилди.

Бу ерда бўлиб ўтган кўрғазмада кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорлик вакиллари томонидан трикотаж махсулотлари, канцелярия моллари, спорт анжонлари, тиббий ускуналар, қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалиги, қандолатчилик ва бошқа махсулотлар кенг намойиш қилинди.

Ҳайъат иштирокчиларни қуйидаги мезонлар асосида баҳолади: йил давомидаги молия-хўжалик кўрсаткичлари мажмуи, экспортбop ва импорт ўрнини босувчи махсулот ишлаб чиқариш ҳажми, замонавий ишлаб чиқариш технологияларини жорий қилиш ва фойдаланиш, янги иш ўринлари яратиш, жамоат ҳаётида ва хайрия фаолиятида иштирок этиш.

(Давоми 2-бетда)

Наманган вилоятидаги қўшма корхоналарда 2002 йилги махсулот ишлаб чиқариш 118 ва экспорт қилиш 124,5 фоизга ўсди.

Хозир вилоятдаги ялпи саноат ишлаб чиқаришининг бешдан бир қисми хорижий инвестициялар иштирокидаги ана шундай корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Рўйхатдан ўтган 80 та қўшма корхона Низом жамғармасига пул, технология ускуналар, хомашё ва материал қўрилишида 250 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестиция киритилди. Булар яхши, албатта.

Бирок ҳозир 9 та қўшма корхона ишламаяпти. Сабаби, лойиҳа ташаббуслари хорижий ҳамкорларни танлашда янглишганлар. Айрим ҳолларда шовша-шошарлик билан иш тутиб, иқтисодий омилларнинг, пировард натижанинг, хомашё, меҳнат ва бошқа ресурсларнинг аниқ ҳисоби олинмаган.

«Касмир-Дери» Ўзбекистон - Туркия қўшма корхонасида худди шундай бўлди. Унга 1995 йилда ҳукумат қаролати билан 2 миллион 227 миң АҚШ доллари ҳажмида кредит олинган. Хомашё сурунқали муаммога айланди, боз устига хорижий таъсисчи бўлиши «И-ТАКО» фир-

СУВНИ КЎРМАЙ ЭТИК ЕЧГАНЛАР

маси кимёвий дориворлар (химикатлар) ва фурнитура етказиб бериш, тайёр махсулотнинг 80 фоизини экспорт қилиш юзасидан олган мажбуриятини бажармади. Оқибатда оёқнинг тагини қўзлаб қилинган иш панд берди. «Касмир-Дери»нинг молиявий ҳолати оғир (бу ҳусусда бир дунё далил ва рақам келтириш мумкин), инқироз ёқасига келиб қолган. «Оқум» (Мингбулок тумани), «Қушон» (Косонсой) қўшма корхоналарининг ҳам фойдасидан ташвиши кўп. Бунинг устига катта ҳажмдаги моддий бойликларни ҳаракатсиз қолдирган, қўллаб хомашё ва материаллар, тайёр махсулотларнинг ўз вақтида сотилишини таъминламаётганлар бор. Чунончи, «Косонсой-Текмен» Ўзбекистон - Туркия қўшма корхонаси раҳбарлари махсулот ишлаб чиқаришдан аввал унинг бозорини ўрганишни, маркетинг хизматини ривожлантиришни унутиб қўйган қўринадилар. Ваҳоланки, жамоани ин-

кирозга етакловчи омиллардан бири махсулотнинг оморда туриб қолиши экани маълум гап. Шу ўринда яна бир мулоҳаза: «пишмаган» лойиҳани амалга ошириш, Низом жамғармаси шаклланиб бўлмаган қўшма корхонани рўйхатдан ўтказиш кимга ва нима учун зарур? Учқўрғон туманидаги «Мева» Ўзбекистон - Америка қўшма корхонаси шошилиб рўйхатга олинган экан. Биргина мисол: у 2002 йилда қарийб ўн ой ишламай турди ва йилни катта миқдордаги қарз билан якунлади. Низом жамғармасини ривожлантириш мақсадида Американинг АЮБ Интерпрайзис жамиятига (таъсис улушини киритиш бўйича) мурожаатнинг ҳал этилмагани ҳақидаги гаплар эса баҳонадан бўлак нарсга эмас. Негаки, бу хол олдидан маълум бўлган. Шундай экан, сувни кўрмай этик ечмаслик керак эди-

Пировардида вилоятда хорижий инвестициялар иштирокида қўшма корхоналарни ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича иш олиб бораётган гуруҳ томонидан «Мева» қўшма корхонасини тугатиш тавсия қилинди. Узоқ мuddат фаолият кўрсатмаган «Турк-Атлас» Ўзбекистон - Туркия қўшма корхонасининг тақдирини «Мева» никидан ҳам аянчили. У бюджет ва кредиторлар олдидаги қарзларини тўлаш қобилиятини батамом йўқотиб бўлганди. Банкрот деб топилган эса унинг савдога қўйилган мулкларига ҳам деярли харидор топилмади. Аниқроқ айтсак, 148,3 миллион сўмлик мулкдан 9,5 миллион сўмга яқин қисми сотилди, холос. Кредиторларга 72 номдаги 64,5 миллион сўмлик мулклар тавсия этилди, улар рад қилишди. Узоқ давом этган саргардонликнинг якуни шу бўлдики, вилоятдаги

қўшма корхоналар сони биттага қамайди - «Турк-Атлас» давлат реестридан чиқарилди. Қолган қутган бозори қасод мол-мулклар коммуналчилар (!) ихтиёрига ўтди-кетди. Қачонларди даб-даба билан ишга туширилган, маълум мuddат оғизга ҳам тушган қўшма корхонанинг қисқа умри ана шундай ачинарли тарзда ниҳояланди. Унда ишлаб-танларнинг аҳоли, тирикчилиги не бўлади энди? Қўшма корхона дегани маълум мuddатга очиладими? Бундан кимга фойда, кимга зарар?..

Албатта, Наманганда гуркираб ишлаётган қўшма корхоналар кам эмас. Уларнинг юқори кувват билан узлуқсиз ишлаётган еттидасида 2,5 мингдан зиёд қишлоқ ёшлари меҳнат қилишмоқда. 200 кишини доимий иш ва қаролатили маош билан таъминлаган «Нестле-Ўзбекистон» ўтган йилнинг ўзида салкам 7 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқарди.

Рустамжон УММАТОВ, «Қишлоқ ҳаёти» муҳбири.

МУЛОҲАЗА

сўнги уч йилда Ўртачўлда каттагина силжишга эришилди. «Зарбдор», «Ўртачўл юлдузи» ва Ал-Бухорий номли ширкат хўжаликлари Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан фермерлар уюшмасига айлантилди, бу ерда 400 га яқин фермер фаолият юритапти. Эндиликда Мухтор Асатов, Рустам Қилиев, Тўла Шабо-

ҚАЛДИРҒОЧЛАР ЭРТАРОҚ КЕЛСИН

Бу йил кўклам ўз вақтида ташриф бурди. Демак, қалдирғочлар бу гал ҳам Бухоронинг илқ бағрига эрта келади. Шафтоллар қийғос гуллади. Димокқа етилган ер ҳиди урилмоқда. Кўклам бўйларига қўшилган бу ҳид қўнғилда ажиб ҳислар уйғотади. Вужуд қушдек енгил тортади. Дарвоқе, Мизроб ака «Бу йигитча ўғлимиз бўлади, исми Улугбек», дея томорқада ишлаб турган, бизни кўрган чоғ қўлини кўксига қўйиб, салом берган ўспиринини таништирганида ажабланмадик. Зеро, истиқлол йилларининг боласи, таъбир жоиз бўлса, қалдирғочларидан бири Улугбекни сиртдан танирдудон туманидаги 62-иқтидорли болалар мактаб-интернати ўқитувчилари гапириб беришганди. Яқинда билим даргоҳига французлар келишган экан. Улугбек Амонов улар билан французчада равои, тиниқ гаплашганида, хорижлик меҳмонлар ҳам қойил қолишган.

Томорқада ер чапаетган қишлоқ боласи нақ Франциядан келган зиёлиларни лол қолдирса-я. Хали бу ҳаммаси эмас. Улугбекнинг ораси Нодира француз тили бўйича ўтказилган фан олимпиадаси республика босқичида голибликни қўлга киритди. Хозир у Бухоро давлат университетини тахсил оляпти. Ойланган тўнғич фарзанди Нозима Амонова устози, 62-мактаб-интернат директори Саид Раҳмонов мураббийлигида француз тили бўйича ўтказилган республика олимпиадаларида уч марта голибликни қўлга киритган.

-Нозимани беш яшарлигида мактабга берганмиз, - дейди бобоси Сайфиддин ота. - Ўзим опичлаб элтиб, дарс тугагач яна опичлаб қайтардим.

(Давоми 4-бетда)

МУАММО

Қишнинг аёзли кунларининг бирида Ўртачўлга йўлимиз тушди. Ҳавонинг қовоғи солиқ. Қор учқунлаб турса-да, асфальт йўлда изи кўринмайди. Шу тариха қирқ беш чақиримча йўл босдик. Ёзи жазирама, киши изгиринли бу ҳудуднинг қирқ

МЕҲНАТ ҚАЧОН ТОШ БОСАДИ?

минг гектар ер майдони бор. Ўн минг гектарига экан экилади. Уттиз минг гектари серхас яйловлардан иборат. Ҳуш, бу майдонлардан қай тариха фойдаланилса? Экинлар ҳосилдорлиги-ю, одамлар манфаати қувонарлими, ёки... Ана шу ва шунга ўрнатиш саволлар бизни қийнади. Тан олиб айтиш керакки,

нов, Увайт Абдуллаев, Қўқор Фармонов сингари ўнлаб фермерлар ишининг эстагидан тутиб, ўз аравасини ўзлари тортиб дон ва пахта етиштиришда яхши натижаларни қўлга киритди. Улар хар гектар галла майдонидан 50-60 центнердан дон, пахтадан эса 35-40 центнердан ҳосил кўтаришга эришдилар.

(Давоми 2-бетда)

ҲАМКОРЛИК - ЮТУҚЛАР КАЛИТИ

Тошкент вилоятидаги кўпчилик тадбиркорлар қатори чинозлик Иззатилла Мамаюсов ҳам «Пахта Банк»-нинг Тошкент вилояти бошқармасидан хурсанд. Банкирларнинг отасига раҳмат, қисқа фурсатда 1 миллион 900 миң сўм кредит беришди, - дейди тадбиркор. - Хўжалиқларни тайёрлашда ҳам ўзлари қўмаклашишди. Дарров минерал сув ишлаб чиқарадиган асбоб-ускуналар сотиб олдим. Уни ишлатиб фойда қилдим ҳам. Ҳадемай ёз келади, чанқоқбосди ичимликларга талаб кўпаяди. Қадокланган минерал сувни нафақат Чиноз бозорига, Тошкентга ҳам олиб чиқмоқчиман. Ана сув сотиб қўшимча фойда қилган миқдорлар мен қатори банкирларнинг ҳам дуо қилса.

Бўхалик фермер Абубак Абдузаровнинг айтишича, «Пахта Банк» зўр ҳамкор, унга суяниб катта ишларга қўл урса бўлади. Банқдан 2 миллион сўм қарз кўтариб, трактор сотиб олдим, - дейди фермер. - Илгари 63 гектар ерга ишлов бериш учун йилга 2 миллион 100 миң сўмдан ортиқ пул сарфлардим. Устига-устак, техника кеч келар, сифатсиз ишларди. Далада бузилиб қолса-ку, худо урди, даявиринг. Ортиқча чиқим. Энди-чи, техника ўзимдан, ташвиш ариган, маблаг тежалган, муҳими беминнат. Шу сабабли 2001 йилда қарийб 20 миллион, 2002 йилда 24 миллион сўм даромад қилдим. Ўтган йил соф фойда 1 миллион 800 миң сўмга етди. Бари банк берган кредит туфайли.

Бундай фикрларни «Пахта Банк» билан ҳамкорлик қилаётган аксарият тадбиркору фермерлардан эшитиш мумкин. Чунки бу банк иқтисодийетимизнинг турли жаҳаларида йилдан-

(Давоми 3-бетда)

ТААССУФ

-Хўжалигимизда бир йилда уч раис алмашди. Ҳаммамнинг ҳаёли бўлибди. Раислар эса элни, ерни эмас, ўзларини ўйлайдиган бўлиб қолди. Натюжада хўжалик бўйи баравар қарзга ботди. Уч йилдан бўён бирор бир соҳада шартнома бажарилмади. -Икки йилдан бўён ойлик маош нималигини билмай-

ята энг донгдор ҳисобланган Косон туманидаги «Шарк юлдузи» хўжалиги бундай но-чор аҳволга тушиб қолганлигидан ажабландик. Хўжалик фаолияти билан танишгач, бунинг сабабини аниқлашдек бўлди. -50 йил шу хўжаликда тер тўқдим. 11 фарзандим бор. Бир парчагина ер беринг, ишлайин, ҳам рўзгоримиз ўта-

ИНҚИРОЗНИНГ ИЛДИЗИ ҚАЕРДА?

миз. Мол боқиб кун кўраямиз. -Ерларимиз шўрланмади кетган. Шунча раис алмашди. Бирортаси қузқилмади. Далага борилганидан 3 километр йўлдан одам-ку одам, ҳатто машина ҳам юролмади. Сув тўпланиб, қўлмақлар ҳосил бўлган. Июль ойига бориб қурибди, холос. Бири қўйиб, бири гапирётган хўжалик аъзолари дардларини тинглаб эканмиз, бир вақтлар Қашқадарё вило-

ди, ҳам хўжаликка фойдамиз тегади, деб раисга худонинг зорини қилдим. 2-3 йилдан бўён бир килограмм ҳам ҳосил бермаган 15 гектар ерни ўғлим тендерда ютиб олган эди. Лекин раис ерни бошқа кишига, хўжалик фермасининг мудири Алишер Омоновга берди. Мени ачинтирган, ер эгасиз қолди. Дала хозиргача шудгор қилингани йўқ.

(Давоми 2-бетда)





